

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 8 август, № 156 (6339) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” номли китоби “Ўзбекистон” нашриёти томонидан кўп минг нусхада чоп этилди.*




Маълумки, 2015 йил 29 март куни юртимизда улкан сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтди. Ҳар томонлама юқори савияда, муқобиллик асосида ўтган бу сайлов мамлакатимизни демократик ривожлантириш йўлида муҳим, ҳал қилувчи босқич бўлиб, халқимизнинг ўз кучи ва салоҳиятига бўлган ишончи нақадар мустаҳкам экани, унинг сиёсий-ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги, Ватанимиз тақдири учун дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

Конституциямиз, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари, демократик тамойиллар асосида ўтказилган ушбу сайловда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Ислом Абдуғаниевич Каримовга овоз берди. Бундай ёрқин ғалаба, ҳеч шубҳасиз, Ислом Каримовнинг давлат раҳбари сифатида Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги стратегик мақсад ва вазифаларни ҳал этиш йўлидаги беқиёс хизматлари, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг халқимиз томонидан юксак эътироф этилгани ва якдиллик билан қўллаб-қувватланганидан далолат беради.

Ушбу китобдан давлатимиз раҳбарининг сайловолди жараёнларидаги 20 дан зиёд учрашув ва анжуманларда, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари билан учрашувларда, иккала палатанинг қўшма мажлисида, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг VII съездида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан учрашувларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимидаги нутқ ва маърузаларида, шунингдек, 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида билдирган энг муҳим, концептуал аҳамиятга эга ғоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

Давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилган ана шу чиқишларда мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтариш, унинг иқтисодий қудратини ошириш, ижтимоий соҳалар — таълим-тарбия, илму фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт тизимини изчил ривожлантириш, аёллар, кексалар ва ёшларимиз учун янада қулай шароит ва имкониятлар яратиш, ҳар бир ҳудуд ва минтақани равнақ топтиришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршиликларнинг моҳияти, турли таҳдидларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинган.

Мазкур тўпламнинг бош ғоясини қуйидаги сўзларда мужассам бўлган энг муҳим ўзак фикр ташкил этади: **“Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. Айни вақтда “Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?” деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим”.**

Ана шундай ёндашув асосида мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тарихий йўли теран таҳлил қилиниб, бу ҳаётий саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоблар берилгани нашрнинг қимматини янада оширади.

Ушбу китобни мутолаа қилар эканмиз, ҳар бир масалага халқимизнинг миллий манфаати ва яна бир бор миллий манфаати нуқтаи назаридан ёндашиш, теран қиёсий-таҳлилий мушоҳада, тарих, замон ва келажакни бир бутун диалектик ҳодиса сифатида кўриш, ҳар қандай мавзуда жўшқин баҳс ва мулоқотга тайёрлик — буларнинг барчаси мустақил ўзбек давлатининг асосчиси, дунё миқёсида тан олинган йирик давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримовнинг сиёсий услубига хос бўлган ёрқин хусусиятлар эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда беқиёс аҳамият касб этадиган мазкур китоб ҳозирги ва эртанги кунимизнинг энг устувор йўналишларини ўзида мужассам этиб, янги ва яқин тарихимизнинг ҳали биз тўла англаб етмаган кўплаб қирраларини кашф этишда, жамиятимизнинг тараққиёт фалсафасини, мамлакатимиз ва халқимиз келажаги, унинг равнақини белгилаб беришда, айниқса, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

*2015 йил 7 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.*



Сенаторлар ялпи мажлиснинг иккинчи кунини «Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида даромад ва мол-мулк солиқлари юзасидан икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида 1999 йил 7 сентябрдаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Баённомани (Берлин, 2014 йил 14 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Баённомада амалдаги Битимга солиқ соҳасида ахборот алмашиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш бўйича икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган тузатишлар киритилиши назарда тутилаётганлиги таъкидланди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Баённоманинг қабул қилиниши икки мамлакат ўртасида солиққа доир ахборот алмашиш жараёнини тезлаштиришга, солиқлар тўлашдаги турли суиистеъмолликларга қарши курашишга, шунингдек, резидентлар томонидан тўланмаган солиқларнинг томонлар бюджетларига ўз вақтида келиб тушишига кўмаклашади.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар. Таъкидландики, ўтган йилда Марказий банкнинг фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги қарорида белгиланган вазифаларни сўзсиз бажаришга қаратилди.

Ҳисоботни эшитиш чоғида қайд этилганидек, ҳисобот йилида банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 23,8 фоизни ташкил этди, бу эса банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган норматив талаблардан 3 баравар ортиқдир. Банк тизими барқарорлигини баҳолаш омилларидан бири ҳисобланган жорий ликвидлик даражаси бир неча йил давомида 64,62 фоиздан ортиқ бўлмоқда, бу эса халқаро кўламда белгиланган энг кам даражадан 2 баравар юқоридир. Ҳисобот йилида банк активлари 28,2 фоизга ошди ва 56,2 триллион сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан таклиф ва тавсияларни билдирдилар.

(Давоми 2-бетда).

## Барқарор ривожланиш ва фаровон ҳаётимиз ифодаси

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисида мамлакатимизда демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, молия бозорини барқарорлаштиришга қаратилган долзарб масалалар кўриб чиқилди. Ҳар бир масала сенаторлар томонидан атрофлича, ҳудудлар ва умумдавлат манфаатлари уйғунлиги нуқтаи назаридан кенг муҳокама қилинди. Буни сенаторларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам тасдиқлайди.*

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

**Гавҳар АЛИМОВА, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари:**

— Сенатнинг учинчи ялпи мажлиси энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлолнинг 24 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилаётган айни кунларда ўтказилгани замирида ҳам катта маъно бор. Зотан, истиқлол, Президентимизнинг шу йил 17 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида қайд этилганидек, халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган ҳамда курашган, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этиш имконини беради. Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида парламентимиз томонидан пишиқ-пухта қонунлар қабул қилингани, давр талабидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик изчил такомиллаштириб борилгани кенг кўламли ислоҳотларимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг муҳим омили бўлди.

Ялпи мажлисда ҳам мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг бугунги талабларидан келиб чиқиб, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган қонунлар кўриб чиқилди.

Сенаторлар қонунлар муҳокамаси жараёнида қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ҳамда аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни чуқур англаш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш зарур эканини алоҳида таъкидлашди. Албатта, маъқулланган қонунларнинг жойлардаги тарғиботи самарадорлигини ошириш, бунда экспертлар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари салоҳиятидан унумли фойдаланиш айни муддаодир.

**Икрам КАРАТАЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Бугун бутун юртимиз, одамларимиз, шаҳару қишлоқларимиз байрам шукуҳи билан яшамоқда. Республикамизнинг барча ҳудудида “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” деган эзгу ғоя остида янгидан-янги ташаббуслар рўёбга чиқарилмоқда, ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилаяпти. Юртдошларимиз қалбида ўз ҳаётидан, турмушидан қониқиш, эртанги кунига ишонч мужассам. Чунки ўз вақтида оқилона танлаб олинган тараққиётнинг “ўзбек модели” асосидаги ривожланиш йўли бугун юксак самараларини бермоқда. Биргина ўтган даврда харид қобилияти паритети бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига нисбатан 4 марта ўсгани ва ҳозирги кунда мазкур кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларидан зиёдни ташкил этаётгани бу борадаги амалий ишларнинг яққол натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар ҳам ушбу ютуқ ва марраларни, юртимизда кечаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаб, уларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● “Туркистон” саройида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб ташкил этилган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловининг “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган хонандалар ўз ижод намуналарини томошабинлар ва ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этди.

● **Андижон вилоятида мактаб ярмаркалари иш бошлади. Жорий йилги тадбирларда 26 турдаги ўқув қуроллари, ўқитувчи ва ўқувчилар учун мактаб формалари ҳамда спорт кийимлари мақбул нархларда савдога қўйилмоқда. Мактаб бозорларига маҳаллий ишлаб чиқарувчилар кенг жалб этилаяпти.**

● Навоийда “Ўзбекистон ОАВнинг оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини илгари суриш борасидаги салоҳиятини ошириш” лойиҳаси доирасида ўтказилган давра суҳбати оила ҳамда жамиятда она ва бола муҳофазаси мавзуига бағишланди.

● **Бухоро нефть ва газ саноати коллежида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 140 та корхона ҳамда ташкилот 2510 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир якунида 250 дан зиёд кишига ишга жойлашишлари учун йўлланмалар берилди.**

● “Тўрақўрғон барака замини” хусусий корхонасига қиймати 70 миллион сўмликдан ортиқ уч турдаги янги дастгоҳлар ўрнатилди. Натижада бу ерда тайёрланаётган кийим-кечаклар дизайни тубдан ўзгарди. Шу билан бирга, либосларга замонавий безаклар бериш имконияти ҳам юзага келди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

С. Р. ТАЙАЛ:

## «Ўзбекистонда юритилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат халқаро миқёсда муносиб баҳоланмоқда»

*Илгари хабар берилганидек, хорижий давлатларнинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, эксперт, маданий-гуманитар ва жамоатчилик доиралари вакиллари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тобора яқинлашиб келаётган 24 йиллик байрами муносабати билан мамлакатимиз халқи ҳамда раҳбарияти номига ўзларининг самимий қутловларини йўллашмоқда.*

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Уларда юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самаралари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам ўз аксини топган.

Хусусан, **Деҳли университетининг етакчи таълим муассасаси — Дайал Сингх коллежи бошқаруви кенгаши раиси, мазкур университетнинг Шарқий Осиё тадқиқотлари факультети профессори, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги собиқ элчиси Скан Ранжан ТАЙАЛ** “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўзим учун қадрдон ҳамда севимли бўлган Ўзбекистон халқи ва раҳбариятини энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақилликнинг 24 йиллиги билан қутлашдан беҳад мамнунман.

Ўзбекистон тарихан қисқа давр ичида том маънодаги янги, мустақил давлатга айланди. Мамлакатда барча соҳаларда эришилган муваффақиятларнинг бош негизига — Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг “ўзбек модели”га бугунги кунда дунёнинг қатор давлатлари катта эътибор билан қарамоқда, мазкур модель жаҳондаги кўплаб олий таълим муассасаларида тадқиқ қилинмоқда. Ривожланишнинг ушбу модели бугунги кунда Ўзбекистонда ўзининг равон йўлига тушиб олгани боис сўнгги ўн йил ичида ялпи ички маҳсулот ўсиши ҳажми барқарор равишда йилига 8 фоиздан зиёдни ташкил этаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Шу йилнинг икки чораги давомида мамлакатимизда



**105** турдаги янги қандолат, консерваланган мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

*Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кўпайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар бунда муҳим омил бўлди.*

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банкларнинг ресурс базасини такомиллаштиришга ва янада мустаҳкамлашга, банк хизматларини диверсификациялашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришни давом эттиришга, шунингдек, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришга, иш ўринларини ташкил этишга ва аҳолининг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг изчил рўёбга чиқарилишини давом эттиришни тавсия этдилар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот Сенат томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги ҳамда қатор хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатнинг икки кун давом этган мажлиси якунларига кўра, ҳаммаси бўлиб 11 та масала, шу жумладан, 6 та Қонун кўриб чиқилди.



Хусусий мулкнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга, тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ҳамда преференциялар сўзсиз қўлланилишига, тадбиркорларнинг фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва қонунга хилоф равишда аралашганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган қонунларнинг қабул қилиниши Сенатнинг бўлиб ўтган ялпи мажлисидаги катта аҳамиятга эга воқеа бўлди. Бу эса, шак-шубҳасиз, мамлакатимиздаги инвестиция муҳитининг яхшиланишига, тадбиркорлар фаоллигининг ошишига, ижтимоий-иқтисодий бозор ислоҳотларининг чуқурлашишига ва ўз навбатида, аҳоли фаровонлигининг юксалишига, мамлакатимиз гуллаб-яшнашига кўмаклашади.

Сенат томонидан маъқулланган ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, жиноий жазолар тизимини эркинлаштириш ва инсонпарварлик руҳи билан йўғиришга қаратилган қонунларга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Сенаторлар жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни, ушбу соҳадаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишни, шунингдек, мамлакатимизда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлашни давом эттиришни, касалликларнинг олдини олиш тизимини ривожлантиришни назарда тутувчи қонунларни ҳам маъқулладилар.

Маъқулланган қонунлар ҳамда қабул қилинган қарорлар демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга, аҳолининг турмуш даражасини, мамлакатимиз фаровонлигини оширишга кўмаклашади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

---

## С. Р. ТАЙАЛ:

# «Ўзбекистонда юритилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат халқаро миқёсда муносиб баҳоланмоқда»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, Ўзбекистонда давлатингиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йилнинг халқ эзгу интилишларини ифода этадиган, жамият равнақига хизмат қиладиган аниқ бир ижтимоий соҳа тараққиётига йўналтирилиши ва махсус Давлат дастури қабул қилингани ҳолда, кенг кўламли тадбирлар амалга оширилиши анъанага айлангани ҳам диққатга моликдир. Бугунги кунда бу тажриба бошқа мамлакатларда ҳам қўлланилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Хусусан, Ўзбекистонда 2015 йил — “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилингани, мазкур йўналишда қабул қилинган махсус Давлат дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар ҳам мамлакатда ҳар бир ижтимоий қатлам алоҳида диққат-эътиборда туришидан далолат беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда юритилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат дунё эксперт-таҳлил доиралари томонидан муносиб баҳоланаётганини алоҳида қайд этиш зарур, деб ўйлайман.

Маълумки, минтақа ҳамда бутун дунё хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш сиёсати Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан икки томонлама ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро муносабатларида асосий масалалардан бири бўлиб келмоқда. Жумладан, мамлакатингизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзоси сифатидаги саъй-ҳаракатлари эътиборга сазовор. Фикримча, Ўзбекистон — минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади, дея баралла айтиш мумкин.

2014 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда халқаро кузатувчи сифатида қатнашдим. Хоразм вилоятидаги қатор сайлов участкаларида бўлганимда, турли касб эгалари, жумладан, ёшлар билан суҳбатлашдим. Уларнинг жўшқинлиги, келажакка ишонч билан қараши мени ҳайратлантирди.

Ўзбекистон бундан кейин ҳам муваффақиятлари билан ўзини намоён этаверишига, ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги асрий дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланиб боришига ишончим комил.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

---

## ТАДБИР

*Мустақиллик ҳар бир юртдошимиз ҳаётига янгича мазмун, турмушига фаровонлик олиб кирди. Миллий истиқлол ғояси фуқароларимизни она-Ватан равнақи учун бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишга ундамоқда.*

# ИСТИҚЛОЛ – БЕБАҲО НЕЪМАТ

Бинобарин, бугун барча соҳада қўлга киритилаётган муваффақиятлар биз танлаб олган тараққиёт йўли нақадар тўғри ва ишончли эканлигининг амалий тасдиғи сифатида намоён бўлмоқда.

Республика Маънавият тарғибот маркази ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳам ана шулар ҳақида сўз юритилиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган янгиланишлар, эришилаётган ютуқларни аҳолига етказишда журналистларимиз олдида турган муҳим масалаларга эътибор қаратилди. Унда таниқли олимлар, экспертлар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, маънавият тарғиботчилари, босма ва электрон ОАВ вакиллари қатнашди.

Ҳадемай, мустақиллигимизнинг 24 йиллигини катта байрам сифатида нишонлаймиз. Жойларда энг улуғ, энг азиз айёмни муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бунда, таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 17 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Айни жараёнда истиқлолимизнинг бебаҳо неъмат эканлигини, унинг қадр-қимматини халқимиз, айниқса, ёшларимизга етказишда оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига катта масъулият юкланади. Зеро, кечаги кунимизни бугунги ҳаётимиз билан таққослаш, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалиб бораётгани, улкан марралар мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш ижодкорлардан улкан маҳорат талаб қилади. Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудида ўзгача шукуҳ билан ўтказилаётган “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остидаги ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирларни халқчил, самимий руҳда ёритиш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Барқарор ривожланиш ва фаровон ҳаётимиз ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майдаги Фармони асосида амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни кучайтириш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритишни назарда тутувчи Қонунни алоҳида эътироф этишни истардим. Негаки, ушбу ўзгартишлар иқтисодиётимизни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини юксалтиришда хусусий секторнинг ролини ошириш, пировардида ютуқларимиз кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**Толибжон МАДУМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари:**

— Шуни алоҳида қайд этиш керакки, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадларини оширишнинг муҳим манбаларидан бирига айланмоқда. Шу боисдан ҳам юртимизда тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб келинаяпти.

Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилган, яъни амалдаги қонунларга киритилган хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар ана шу нуқтаи назардан жуда муҳимдир.

Бу Қонун, аввало, тадбиркорларнинг фаолият эркинлигини янада кенгайтиради, ортиқча харажатларни камайтиради ва пировардида бор кучини бизнесни ривожлантиришга йўналтириш имконини беради.

**Камила КАВЛАНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш йўлида тарихий аҳамиятга эга ислоҳотлар изчил амалга ошириб келинаётир. Буларнинг туб замирида, аввало, жамиятимизда тинчлик ҳамда осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш каби эзгу мақсадлар мужассамдир.

Эътиборлиси, жиноий жазоларни либераллаштириш билан боғлиқ кенг кўламли ислоҳотлар боис ҳозирги пайтда қамоқдагилар сони бўйича Ўзбекистон жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткичга эга бўлиб турибди.

Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун ҳам мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларга янгича мазмун бағишлайди.

Умуман, юртимиз суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган бу каби ислоҳотлар инсонпарварлик ҳамда бағрикенглик тамойиллари билан уйғун равишда амалга оширилаяпти. Мамлакатимиз жиноят қонунчилигига киритилаётган озодликни чеклаш тариқасидаги жазо тури билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолган, ўз ноқонуний хатти-ҳаракатларидан қаттиқ пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан беқиёс имкониятдир. Энг муҳими, мазкур жазо тури инсонпарварлик тамойилига тўла мос бўлиб, катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир.

**Фахритдин УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси:**

— Сенаторлар “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги Қонунни атрофлича муҳокама қилишди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, инвестиция ҳамда пай фондлари жаҳон амалиётида кенг тарқалган. Қонунни сифатли тайёрлаш мақсадида АҚШ, Германия, Жанубий Корея ҳамда бошқа мамлакатларнинг ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари чуқур таҳлил қилинди.

Инвестиция ва пай фондлари ўзига хос механизм бўлиб, фуқаролар шу механизм ёрдамида пул маблағи ҳамда бошқа активларини бошқариш учун профессионал менежерларга топширади. Натижада жамоавий инвестициялаш тизими ишга тушади. Бу эса бўш турган маблағларни ҳаракатга келтириш, уларни миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини молиялаштиришга йўналтириш имконини беради. Сир эмаски, бугун мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли жабҳаларида манзилли дастурлар рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, 2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастури доирасида кўплаб инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Янги Қонуннинг амалиётга жорий этилиши ушбу лойиҳаларни молиялаштириш имкониятини янада кенгайтириб, юртимиз, айниқса, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилади. Албатта, Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш ҳамда аҳолига тушунтириш сенаторлар ва маҳаллий Кенгашлар депутатларидан катта масъулият талаб қилади.

**Халиджан КАМИЛОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан муҳофаза этишнинг профилактик тадбирларини кучайтириш, сил ҳамда бошқа касалликларга қарши хизмат кўрсатадиган муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, профилактика ишларининг, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларни барвақт аниқлаш ва даволашнинг самарали тизимини шакллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонун ҳам соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, профилактик тадбирларни ўтказишда санитария нормалари ҳамда қоидаларини ҳаётга янада изчил татбиқ этишга хизмат қилади. Айни пайтда унда гигиена қоидаларига риоя этишнинг барқарор тизимини яратиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлаш устидан давлат назоратини йўлга қўйиш баробарида, ушбу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кучайтириш ва аҳолининг масъулиятини ошириш билан боғлиқ устувор вазифалар қамраб олинган.

**Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.**

---

## САРҲИСОБ

*Пойтахтимизда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмасининг қурултойи ўтказилди. Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг 2010 — 2015 йиллардаги фаолияти ҳамда истиқболдаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган мазкур тадбирда делегатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.*

# Натижалар таҳлили ва истиқболдаги вазифалар

Таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, барча жабҳада салмоқли ютуқ ва натижаларга эришилмоқда. Буни алоқа тизими фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Кейинги йилларда соҳадаги барча аналог телефон станциялари рақамли тизимга ўтказилди. Мобиль алоқа станциялари кўпайтирилиши натижасида абонентлар сони 20 миллиондан ошиб кетди.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда тизимдаги касаба уюшма ташкилотлари 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастуридан келиб чиқиб, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, соҳада фаолият юритаётган компания, жамият ҳамда корхоналар билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилиб келаётир.

Тадбирда мазкур тузилма томонидан аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишида амалга оширилган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Биргина 2014 йилнинг ўзида ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ёш оилаларга жами 58,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг 359,9 миллион сўмлик шартнома пуллари иш берувчилар маблағлари ҳисобидан тўланди.

Анжуман доирасида “Энг намунали бошланғич ташкилот” ва “Энг фаол ёш дастурчи” кўрик-танловлари ғолиблари тақдирланди.

Қурултойда янги муддатга кенгаш ва раёсат аъзолари сайланди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

## АВГУСТ ОЙИ ПАХТА РИВОЖИДА, ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ФАСЛДИР

*Пахта ҳосилининг чўғи юқори, сифатли ва эртаги бўлишини истаган фермерлар айни шу кунларда ғўза бошида парвона бўлиб, экинни чанқатиб қўймасдан суғориш, культивация қилиш, зараркунанда ва касалликлардан муҳофазалаш тадбирларининг маромида адо этилишига жиддий эътибор қаратишлари лозим.*



# «Балиқ сирти» — кўсакка ҳимоя

Деҳқонлар орасида “Пахтани техника пиширади” деган гап юради. Аслида ҳам шундай. Сабаби, ғўза қатор ораларига қанчалик кўп ишлов берилса, экин ривожи шунчалик жадаллашиб, мўл ҳосилга мустаҳкам пойдевор қўйилади. Ҳосилнинг пишиб етилиш муддати эса тезлашади. Шу боис мен меҳнат қилаётган Ўрта Чирчиқ туманидаги “Тешавой Мирзакаримов” кўп тармоқли фермер хўжалигида мавсум давомида ўртача 12-13 марта культивация қилинади. Натижада ўтган йили гектаридан 40 центнердан пахта териб олинди.

Бу йил эса 127 гектар майдонда ғўзанинг “Порлоқ-4” навини парваришлаяпмиз. Мақсад ўтган йилдагидан-да баракали пахта хирмони бунёд этишдир. Бунинг учун асос етарли, албатта.

Гап шундаки, ҳозир ҳар бир агротехника тадбирини сифатли ўтказишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ер етилиши билан далага культиватор киритилиб, тупроқ майин қилиб юмшатилаяпти. Бу жараёнда ҳосил шохлари ва кўсакларга зарар етказмаслик учун унинг ишчи органларини “балиқ сирти”дек ўраб, ғилдираклар олдини суйри қилиб ҳимоялаганмиз. Техника тезлигини пасайтириб, бир маромда ҳаракатланишига эришаяпмиз. Шуни ҳам айтиш жоизки, бу юмушга пахтазорга қуёш тафти тушгандан сўнг киришилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки эрта саҳар ёки тунда ғўза мўртлашиб, синишга мойил бўлади.

Август ойида культивация қилишнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, далалар ғўза соясида ҳам ўсаверадиган шўра, итузум, қўйпечак, семизўт каби бегона ўтлардан буткул тозаланади. Натижада ғўзанинг илдиз тизимига ҳаво ва иссиқлик яхши ўтиб, баравж ривожланади.

“Халқ сўзи” газетасининг шу йил 30 июль сонида чоп этилган “Август ойи пахта ривожида, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи фаслдир” сарлавҳали мутахассис тавсияларида ҳам алоҳида урғу берилганидек, культивация сифатли ўтказилса, ниҳол туплари ораларида ҳаво алмашинуви яхшиланади, кўсакларга иссиқ ҳаво ва шамол тегиб, тез етилади, сифати ҳам меъёрида бўлади.

Мабодо ушбу тадбир кечиктирилса, жўяклар қуриб, ер ёрилади. Оқибатда ғўза илдизлари шикастланади. Энг ёмони, тупроқдаги ҳаво ва сув алмашинувининг мувозанати бузилиб, ҳосилга зиён етиши мумкин.

Биз сувчилар билан бамаслаҳат иш юритаётганимиз ўз самарасини бераяпти. Бугунги кунгача ғўза қатор ораларига 12 марта ишлов бердик. Дастлабки натижа ёмон эмас. Ҳар туп ғўзада 15-20 та кўсак санаш мумкин. Лекин бу хотиржамликка асос бўлолмайди. Ахир даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб. Шунинг учун экиннинг ҳолатидан келиб чиқиб, ой охиригача ғўза қатор ораларини яна 2 марта культивациялашни мақсад қилганмиз. Шунда гектаридан ўртача 40 центнердан ошириб хирмон кўтаришга эришамиз.

**Шавкат СУЛАЙМОНОВ, Ўрта Чирчиқ туманидаги «Тешавой Мирзакаримов» кўп тармоқли фермер хўжалиги механизатори.**

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

# Ҳунарим — бахтим, саодатим



*Давлатимиз мустақилликка эришгач, азалий қадриятларимизни тиклашга, миллий ҳунармандчилигимиз анъаналарини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Натижада бугун минглаб ҳунар эгалари ўз меҳнати билан элда эъзоз топаётир. Хусусан, Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони бу соҳадаги юксалишларни янада юқори поғонага кўтарди.*

**ФАХР**

Мустабидлик замонида бизнинг ишимизга бўлган ноокилона муносабат ҳунармандчилигимизни жар ёқасига олиб келиб қўйди. Ўша даврда хавотирда ишлашга мажбур эдик. Шу боис касбимизни ёшларга ўргатиш, шогирдлар тайёрлаш мушкул бўлган. Шукрки, бугун барча шарт-шароит яратиб берилган, имтиёзлар қўлланилаяпти. Солиқлардан озодмиз.

Кулоллик цехимиз учун ер майдони ажратилган. Ажойиб устахонамиз бор. Бир ҳунармандга эътибор шунчалик бўлади-да!

Ҳозир Янгиариқ туманидаги Каттабоғ қишлоғида кулоллик мактабимизнинг саккизинчи авлод вакиллари камол топмоқда. Улар турли нақшинкор идишлар тайёрлаш билан бирга, қадимий обидаларни таъмирлаш ва замонавий биноларни кошинлар билан безаш ишларида ҳам фаол қатнашмоқда. Урганчдаги Хоразмий, Беруний ёдгорлик мажмуалари, Бухоро шаҳридаги бир нечта зиёратгоҳларни кошинлар билан безаш ишларида иштирок этдик. 15 йилдан буён кулоллик цехимиз қошида "Устоз — шогирд" мактаби ишлаб турибди. Эллик нафардан ортиқ шогирдлар тайёрладик. Бизнинг ёш кулоллар хаттотлик ҳунарини ҳам пухта ўрганаяптилар.

Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, ишларим "Ташаббус — 2015" республика кўрик-танловида юқори баҳоланди. Танловнинг "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши бўйича биринчи ўринга лойиқ топилиб, олтин медаль, махсус диплом, Президентимиз совғаси — "Spark" автомашинаси билан тақдирландим. Бугунги кунгача нимага эришган бўлсам, юртимизда ҳунармандларга бўлган алоҳида эътибор, яратиб берилган имкониятлар туфайлидир. Бизнинг ишимизга берилаётган юксак баҳо ташаббус кўрсатишга, мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларида фаол қатнашишга ва янгиликлар яратишга ундайди.

**Аллазар САЪДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон ҳунармандлар уюшмаси аъзоси.**

## Маданият хабарлари



***Бухорода "Ранглар жилосида она-диёр мадҳи" мавзуида тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси очилди.***

# Она диёр мадҳи

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган кўргазмада мўйқалам усталари, кулоллар ва ҳайкалтарошларнинг ижодий ишлари намойишга қўйилган.

Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар, фидойи замондошларимизнинг портретлари, сопол буюмлар, ҳайкалтарошлик асарлари намуналари, воҳага хос урф-одат ва маросимлар ифодаланган картиналар ўрин олган.

Тадбир доирасида ижодкорлар билан учрашувлар ташкил этилиб, таниқли мусаввирларнинг ёш рассомлар учун маҳорат дарслари ўтказилди.

**Моҳира АДИЗОВА.**

# Замонавий меъморлик андозалари асосида

***Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманида янги маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.***

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ибратли ишлар амалга оширилаётганлиги эътироф этилди.

Замонавий архитектура андозалари асосида қад ростлаган мазкур маданият масканида ҳудуд аҳолиси, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини янада мазмунли ташкил этиш учун барча қулайлик яратилган.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

**ХУШХАБАР**

*Болгарияда математика фани бўйича ўтказилган 22-Халқаро олимпиадада элликдан ортиқ мамлакатдан етмиш бешта олий таълим муассасаси жамоалари қатнашди. Мазкур билимлар беллашувида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Механика-математика факультети талабалари ҳам ўз иқтидорларини намойиш этишди.*

# Таълимдаги ислоҳотлар меваси

Жамоалар алгебра ва сонлар назарияси, геометрия, математик анализ, комплекс анализ ҳамда комбинаторика соҳаларидан тузилган мураккаб масалалар бўйича баҳслашишди.

Натижаларга кўра, вакилларимиздан Ҳакимбой Эгамбердиев олтин, Беҳзод Қурбонбоев кумуш медалга сазовор бўлди. Ушбу муваффақият ёшларимизга Буюк Британиянинг нуфузли олий таълим муассасаси — University College Londonнинг магистратура босқичида ўқиш имконини берди.

— Вакилларимизнинг интеллектуал салоҳияти иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди, — дейди жамоа сардори, Ўзбекистон Миллий университетининг Механика-математика факультети математик анализ кафедраси ассистенти Карим Раҳимов. — Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшларнинг юксак ақл-заковат эгаси бўлиб камолга етишлари йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайлидир. Негаки, юртимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш, замонавий талабларга мос юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, ўқув-тарбиявий ишлар изчил такомиллаштирилаяпти, жаҳон андозаларига мос таълим стандартлари амалиётга кенг жорий этилаяпти. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, уларни замонавий дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий лабораториялар билан таъминлашда дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган ёш математикларимизни тақдирлаш маросимида ҳам юртимиз таълим соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган улкан ишлар ўз мевасини бераётгани ҳамда уларнинг мазкур муваффақияти энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига муносиб совға бўлганлиги алоҳида таъкидланди.

**Д. МУРОДОВ.**

# Тоғлар бағрида сўлим маскан

*Ургут туманида "Чор чинор" болалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди.*

**БУНЁДКОРЛИК**

Пурвиқор тоғлар қўйнида жойлашган бу сўлим масканни қайта қуриш ишлари Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан молиялаштирилди. Шунингдек, оромгоҳга олиб борувчи йўл таъмирдан чиқарилди.

Ҳозир оромгоҳдаги болалар чўмилиш ҳавзаси, спорт майдончалари, шинам ётоқхоналар, ошхона, тиббиёт, маънавият ва маърифат хоналари энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Бундан ташқари, мўъжаз амфитеатр турли кўнгилочар тадбирларни ўтказишда айни муддао бўлмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Офтобнинг меҳри кўп, аммо...

*Ёзнинг бугунгидай жазирама кунларида одамларнинг "иссиқ олибди", "офтоб урибди", деган гап-сўзларини тез-тез эшитиб қоламиз. Бундай ҳоллар, асосан, болалар орасида кўпроқ учрайди. Касалликнинг қалтис ҳолати жазирамада узоқ муддат бўлиш натижасида офтоб уриши ёки юрак фаолиятининг бузилиши оқибатида юзага келади.*

**САЛОМАТЛИК**



Тананинг қизариб кетиши, кучли чанқаш ушбу хасталикнинг асосий белгилари ҳисобланиб, бунда ҳушдан кетиш, томир уришининг тезлашиши, ҳатто юрак фаолиятининг тўхтаб қолиш ҳолатлари ҳам кузатилиши мумкин.

Офтоб уришидан сақланиш учун иссиқ кунлари қуёш нуридан ҳимояланиш воситалари, бош кийими, ҳимоя кўзойнаги тақиш, пахтали матодан тикилган либос кийиш мақсадга мувофиқдир.

Биласизки, кўпроқ суюқлик ичиш организм фаолиятини яхшилайди. У чанқоғингизни босиш билан бирга, организмдан тер орқали чиқиб кетган суюқлик ўрнини қоплайди. Ҳолсизланиш ва камқувватликдан сақлайди. Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Кўп терлаш организмдаги натрий миқдорининг камайишига олиб келади. Шу боис овқатланишда таомнинг тузи меъёрида бўлишига аҳамият беринг. Ҳарорат ўта юқори бўлган пайтларда оддий ичимлик сув истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай маҳалларда, айниқса, туш палласида эса иложи борича кўчага чиқмаслик тавсия этилади. Шуни унутмаслик керакки, иссиқ кунларда тез-тез хона ҳароратида душ қабул қилиш тана нафас олиш тизими яхшиланишига хизмат қилади. Бу даврда кўпроқ ҳўл мева ва сабзавотлар, кўкатлар истеъмол қилиш айни муддаодир.

Шу ўринда яна бир маълумотни айтишни истардикки, офтоб уриши, энг аввало, бошнинг ўта исиб кетишидан юзага келади. Бу эса доимий равишда бош кийимидан, шунингдек, турли ҳимоя воситалари, соябонлардан фойдаланишни тақозо этади. Бундан хулоса шуки, саломатлик ўз қўлингизда. Соғлом турмуш тарзига амал қилиш тетик ва соғлом бўлишингизни кафолатлайди.

**Нуриддин ТОШБОЕВ,**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази Бош шифокори ўринбосари.**


ЭЪЛОН

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2015 йил 10 сентябрь куни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади.**

**Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 3-«А» уйда жойлашган Ирригация хўжалигини ва кўкаламзорлаштириш объектларини таъмирлашга ихтисослаштирилган бошқармаси балансидаги қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникаси ва автотранспорт воситалари қўйилади:**

- 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23-77 ЕК бўлган, «ТТЗ-80-10» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 9 600 000 сўм.***

- 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/491 САА бўлган, «КАВЗ-3270» русумли автобус.

***Бошланғич баҳоси — 22 248 754 сўм.***

- 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/490 САА бўлган, «ЗИЛ-130 АЦ-40» русумли юк автомашинаси.

***Бошланғич баҳоси — 9 533 455 сўм.***

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 107-уйда жойлашган, «Ўзэкспомарказ» АЖ МКК балансидаги 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/489 FBA, «ГАЗ-5201» русумли юк автомашинаси.

***Бошланғич баҳоси — 3 030 000 сўм.***

**Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Истиқлол кўчаси, 29-уйда жойлашган, «O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi Axborot-hisoblash markazi» ДУК балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:**

- 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/853 NDA бўлган, «Nexia-2 СОНС» русумли автомашина.

***Бошланғич баҳоси — 21 661 500 сўм.***

- 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/301 FAA бўлган, «Damas» русумли автомашина.

***Бошланғич баҳоси — 22 000 000 сўм.***

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун мулк бошланғич баҳосининг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунига қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари улар сотилгунига қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

**Аукцион савдолари соат 15.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).**
**Мурожаат учун алоқа воситалари: тел./факс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

Гувоҳнома № 005357.

1153А/30


# Ноёб топилмалар намойиши

***Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида "Қадимий Чоч маданий мероси" деб номланган кўргазма очилди.***



Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Унда археолог олимлар томонидан Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги Қоршовултепа ҳамда Оққўрғон туманидаги Қонқа ёдгорлик мажмуаларидаги экспедициялар чоғида топилган қадимий ашёлар — бадиий безаклар, тангалар, уй-рўзғор буюмлари, сопол идишлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Кўргазма доирасида бўлиб ўтган давра суҳбатида мутахассислар қадимий ёдгорлик мажмуалари, у ерда олиб борилаётган илмий изланишлар хусусида атрофлича сўз юритишди.

**Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.**

# Қишлоқ аҳлига туҳфа

***Учқўрғон туманининг Қўғай қишлоғилик тадбиркор Анасбек Жўраев истиқлолнинг 24 йиллик байрами арафасида ҳамқишлоқларига тўй-тантаналар мажмуасини туҳфа қилди.***

Унинг ўз жамғармаси ва банкнинг 100 миллион сўмлик кредити ҳисобига барпо этилган мазкур муҳташам бинодан замонавий тўйхона, гўзаллик салони ҳамда қаҳвахона ўрин олган. Шунингдек, тўй либослари дўкони ва бошқа сервис шохобчалари аҳоли хизматига шай қилиб қўйилди.

— Бу мажмуада 10 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди, — дейди гўзаллик салонида меҳнат қилаётган Зарнигор Жалилова. — Айниқса, хотин-қизларнинг қувонганини айтмайсизми?! Чунки улар яқингача сартарош хизматидан фойдаланиш учун туман ёки вилоят марказига боришга мажбур бўлишарди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 74 407 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5